

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ
ВАЗИРЛИГИ
ИСЛОМ КАРИМОВ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА
УНИВЕРСИТЕТИ**

**МИНИСТЕРСТВО ВЫСШЕГО И СРЕДНЕГО СПЕЦИАЛЬНОГО
ОБРАЗОВАНИЯ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН
ТАШКЕНТСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ ТЕХНИЧЕСКИЙ
УНИВЕРСИТЕТ ИМЕНИ ИСЛАМА КАРИМОВА**



International
Organization for
Standardization



International
Electrotechnical
Commission



ХАЛҚАРО АНЖУМАН

**«Жаҳонда стандартлаштириш ва техник жиҳатдан
тартибга солиш ҳолати ва ривожланиш истикболлари»**

МЕЖДУНАРОДНАЯ КОНФЕРЕНЦИЯ

**«Состояние и тенденции развития стандартизации и
технического регулирования в мире»**



СБОРНИК НАУЧНЫХ ТРУДОВ

**13-14 Октябрь, 2022
Ташкент, Узбекистан**

ЦИФРОВИЗАЦИЯ СТАНДАРТИЗАЦИИ И ТЕХНИЧЕСКОЕ РЕГУЛИРОВАНИЕ В ОБЛАСТИ ОЦЕНКИ СООТВЕТСТВИЯ

ISO/IEC 17025 ХАЛҚАРО СТАНДАРТИ ТАЛАБЛАРИНИНГ БЎЙИЧА АККРЕДИТАЦИЯ ЛАШТИРИШ ЖОРИЙ ЭТИЛИШИ. АККРЕДИТАЦИЯ ЖАРАЁНИ ВА АФЗАЛЛИКЛАРИ.

Мамаджанов Абдувоҳид Абдурахманович

Андижон машинасозлик институти, кимё фанлари номзоди., доцент

Кулдашев Жаҳонгир Улугбекович

Андижон машинасозлик институти докторанти

Аннотация: Лаборатория аккредитацияси мижозларнинг ўтказилаётган тадқиқотларининг сифати ва ваколатлилигига бўлган ишончини таъминлаш механизми бўлиб ҳисобланади. Аккредитация лаборатория мижознинг синов, ўлчов ёки тадқиқотларни ўтказиш соҳасидаги талабини қондириш, шунингдек, тадқиқот ва ўлчовларни айрим турларини ўтказишда унинг техник қобилиятини расман тан олиниши бўлиб ҳисобланади. Стандартнинг инглиз тилидаги версияси дастлаб 1999 йилда қабул қилинган. Синов ва калибрлаш лабораториялари техник ваколатланган ва техник жиҳатдан асосли натижаларни олишга қодир эканлигини кўрсатишини истаса, Стандарт бунинг учун бажарилиши керак бўлган бир қатор талабларни белгилайди. Мазкур стандартнинг қўлланилиши лабораториялар ва бошқа ташиқлотлар билан ўзаро ҳамкорликнинг ўрнатилишига, хусусан, тадқиқот натижалари ва калибрлаш ишларининг турли мамлакатлар томонидан тан олинишига олиб келади. ISO/IEC 17025 стандарти метрологик ташиқлотларнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ISO 9001 сифат менеджменти моделига асосланади.

Калим сўз. ISO/IEC 17025, Ts, O'zECC ҚҚ, МЧЖ, сифат сиёсати, мақсадлар, сир сақлаш, холислик, жараёнларни бошқариш ҳужжатлари.

Annotation: The laboratory conducts research on the quality and quality of products that ensure an impeccable mechanism. Accreditation The laboratory of migrant sinov, nodal or highly specialized scientific research works is officially recognized as a sought-after branch of legislation, shuningdeck, research and nodal research in the field of highly specialized technical research. The English version of the standard was originally adopted in 1999. When testing and Calibration Laboratories want to show that they are technically competent and capable of obtaining technically sound results, the standard establishes a number of requirements that must be met for this. The application of this standard is aimed at establishing interaction with laboratories and other organizations, in particular, the results of the study and calibration work lead to recognition by different countries. The ISO / IEC 17025 standard is based on the ISO 9001 Quality Management model, taking into account the specifics of Metrological organizations. In particular, the ISO/IEC 17025 standard ISO 9001 standard works by the militia accreditation bodies with concepts that do not exist as accreditation of laboratories and technical competence of the laboratory.

Keyword. ISO/IEC 17025, Ts, O'zECC ҚҚ, quality policy, goals, keeping secrets, impartiality, process management documents.

Аннотация: Лаборатория проводит исследования качества и качества продукции, обеспечивающей безупречный механизм. Аккредитация лаборатория мигрант синов, узловых

или узкоспециализированных научно-исследовательских работ официально признана востребованной отраслью законодательства, шунингдек, исследований и узловых исследований в области узкоспециализированных технических исследований. *Стандартинг Инглис тилидаг версия рукопожатия 1999 Ильда принимает килинган. Синов и калибраи лаборант техник доверланган и техникум основали натижджарни олигга способен эканлигин племени истаса, Стандарт бунинг как баджарилиши керак булган бир ряд талаблов бельгилайди. Этот стандарт включает в себя проведение лабораторных исследований и всестороннего сотрудничества, в частности, проведение исследований, а также проведение экспертных исследований. ISO / IEC 17025 стандарт метрологического управления узкоспециализированных спецификаций бухгалтера Ольга холда ISO 9001 качество смоделированного руководства.*

Ключевое слово. ISO/IEC 17025, Ts, O'zECC ҚҚАОО. политика в области качества, цели, сохранение секретов, беспристрастность, документы по управлению процессами.

ISO/IEC 17025 стандарти ISO 9001 стандартида миллий аккредитация органлари томонидан лабораторияларни аккредитациядан ўтказиш ва лабораториянинг техник ваколатлари сифатида мавжуд бўлмаган тушунчалар билан ишлайди. Лабораториянинг ISO/IEC 17025 талабларига мувофиқлиги ISO 9001 га мувофиқлигини ҳам англатади. ISO/IEC 17025 стандарти лабораторияга тадқиқотлар ваколат доирасида бажарилаётганлигини ва ишончли натижаларни тақдим этаётганлигини кўрсатиш имконини беради, шу билан бирга ҳам миллий, ҳам жаҳон миқёсида ишонч даражасининг ошишига сабаб бўлади. Тадқиқот баённомалари ва сертификатлари турли мамлакатларда қўшимча текширишларсиз қабул қилинади, бу эса ўз навбатида халқаро савдо ва малака алмашинувини ривожланишига олиб келади.

ISO/IEC 17025 стандарти ким учун мўлжалланган?

ISO/IEC 17025 тестдан ўтказиш, намуна олиш ёки калибровка билан шуғулланувчи ва ишончли натижалар олишни истаган ҳар қандай ташкилотда қўллаш учун мўлжалланган. Стандарт давлат, ишлаб чиқарувчи фирма ёки бошқа ташкилотга таалуқли бўлган ҳар қандай турдаги лабораторияларда қўлланилиши мумкин. Шунингдек, мазкур Стандарт университет, илмий-тадқиқот марказлари, синовдан ўтказиш, намуналар олиш ёки калибрлаш зарур бўлган ҳукуматлар, инспекция органлари, маҳсулотни сертификатлаш ташкилотлари ва бошқа мувофиқликни аниқлаш органларида ҳам қўлланилиши мумкин. Лаборатория аккредитацияси мижозларнинг ўтказилаётган тадқиқотларининг сифати ва ваколатлилигига бўлган ишончини таъминлаш механизми бўлиб ҳисобланади. Аккредитация лаборатория мижознинг синов, ўлчов ёки тадқиқотларни ўтказиш соҳасидаги талабини қондириш, шунингдек, тадқиқот ва ўлчовларни айрим турларини ўтказишда унинг техник қобилиятини расман тан олиниши бўлиб ҳисобланади. Лаборатория фаолиятининг ISO/IEC 17025 стандарти талабларига мувофиқлиги унинг аккредитациядан ўтишига имкон беради. Стандарт икки қисмдан иборат: Стандартизация бўйича халқаро ташкилот 1946 йилда ISA (International Federation of the National Standardizing Associations, 1926 йил Нью-Йорк) ва UNSCC (United Nations Standards Coordinating Committee, 1944 йил) ташкилотлари негизида 25 та стандартизация бўйича миллий ташкилотлар томонидан ташкил этилган.

ISO/IEC 17025 стандарти бўйича аккредитациядан ўтиш ўзи нима дегани?

ISO/IEC 17025 (ингл. «General requirements for the competence of testing and calibration laboratories», «Синов ва калибрлаш лабораторияларининг лаёқатлилигига қўйиладиган талаблар») — синов ва калибрлаш лабораторияларининг сифат менеджмент стандарти бўлиб

ҳисобланади. Стандартнинг инглиз тилидаги версияси дастлаб 1999 йилда қабул қилинган. Синов ва калибрлаш лабораториялари техник ваколатланган ва техник жиҳатдан асосли натижаларни олишга қодир эканлигини кўрсатишни истаса, Стандарт бунинг учун бажарилиши керак бўлган бир қатор талабларни белгилайди. Мазкур стандартнинг қўлланилиши лабораториялар ва бошқа ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорликнинг ўрнатилишига, хусусан, тадқиқот натижалари ва калибрлаш ишларининг турли мамлакатлар томонидан тан олинишига олиб келади. ISO/IEC 17025 стандарти метрологик ташкилотларнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ISO 9001 сифат менеджменти моделига асосланади. Хусусан, ISO/IEC 17025 стандарти ISO 9001 стандартида миллий аккредитация органлари томонидан лабораторияларни аккредитациядан ўтказиш ва лабораториянинг техник ваколатлари сифатида мавжуд бўлмаган тушунчалар билан ишлайди. Лабораториянинг ISO/IEC 17025 талабларига мувофиқлиги ISO 9001 га мувофиқлигини ҳам англатади. ISO/IEC 17025 стандарти лабораторияга тадқиқотлар ваколат доирасида бажарилаётганлигини ва ишончли натижаларни тақдим этаётганлигини кўрсатиш имконини беради, шу билан бирга ҳам миллий, ҳам жаҳон миқёсида ишонч даражасининг ошишига сабаб бўлади. Тадқиқот баённомалари ва сертификатлари турли мамлакатларда қўшимча текширишларсиз қабул қилинади, бу эса ўз навбатида халқаро савдо ва малака алмашинувини ривожланишига олиб келади.

Лабораторияда сифатни бошқариш тизими қандай тадбиқ этилиши керак?

Лаборатория фаолиятининг ISO/IEC 17025 стандарти талабларига мувофиқлиги унинг аккредитациядан ўтишига имкон беради. Стандарт икки қисмдан иборат: лаборатория менеджменти билан боғлиқ бўлган қисм ва синов ёки ўлчаш усулларига техник талабларни ўз ичига олган техник қисм. ISO/IEC 17025 стандартига мувофиқ менеджмент тизимини жорий этишда биз бир вақтнинг ўзида ISO 9001 стандарт талабини ҳам бажарамиз, чунки лабораторияда Сифатни бошқариш тизими билан боғлиқ бўлган саволларнинг маълум қисми Сифат Менеджменти Тизимининг талабларига боғлиқ. Лабораторияларни аккредитациядан ўтказишда техник ваколатлиликни баҳолаш учун махсус ишлаб чиқилган мезон ва тартиблардан фойдаланилади. Техник баҳолаш бўйича мутахассислар лабораторияларда синов ва калибрлаш вақтида маълумот йиғишга таъсир қилувчи барча омилларни комплекс таҳлилини ўтказадилар. Ушбу мезонлар ISO / IEC 17025 халқаро стандартига (бутун дунё бўйлаб лабораторияларни баҳолаш учун фойдаланилади), шунингдек дастур учун тартибга солувчи ва спецификация органлари билан биргаликда ишлаб чиқилган бошқа техник талабларга асосланади. Лабораторияни аккредитациядан ўтказувчи ташкилотлар ISO/IEC 17025 стандартидан лабораторияни синов ва калибрлаш вақтида аниқ маълумотларни тақдим этиш қобилиятига таъсир этувчи омилларини баҳолаш учун фойдаланадилар. Юқорида таъкидланганидек, лабораторияларни ISO/IEC 17025 стандарт талаби бўйича аккредитациядан ўтказиш ISO 9001 стандартининг талабларида тасдиқланган сифат менеджменти тизимининг бир хил тамойилларини ўз ичига олади. Аккредитациядан ўтган лабораторияларнинг стандарт талабларига мувофиқ фаолият юритаётганлигини ўрганиш улар фаолиятини қайта текшириш орқали баҳоланади. Бундай лабораториялар ўзларининг ваколатларини домий равишда намоён қилишлари учун мунтазам равишда билим ва кўникмаларни текшириш, яъни профессионал тест ёки лабораториялараро тўзаро текшириш дастурларида иштирок этиб боришлари керак.

Аккредитациянинг мижозларга қандай фойдаси бор?

–Кафолатланган хизматлар – мижоз ишончли сифат тизимига эга бўлган техник жиҳатдан ваколатли лабораторияни танлаганига амин бўлади;

–Қимматбаҳо қайта тадқиқотларни (масалан, экспертизаларни) олдини олиш – мустақил, ваколатли учинчи томон синовлари ёки калибрлаш лабораторияси томонидан синчковлик билан баҳоланганлиги мижозда тадқиқотларга бўлган ишончни оширади;

–Харажатларнинг пасайиши ва чет элда ташкилот тадқиқотларига (масалан, экспертиза хулосаларига) бўлган талабнинг ошиши – Халқаро шартномалар тизими (масалан, Халқаро лабораторияларни аккредитациядан ўтказиш ассоциацияси (ILAC) билан ўзаро тан олиш тўғрисида келишув) туфайли, аккредитация қилинган лабораториянинг маълумотлари халқаро миқёсда хорижий давлатлар томонидан сўзсиз тан олинади. Бундай тан олиниш қайта тадқиқотлар (масалан, қайта экспертизалар) ўтказишни камайтириш ҳисобига харажатлар кўламини ёки импорт мамлакатларида уларга бўлган эҳтиёжни камайтиради. Тайёр воситаларни тақдим этиш орқали мижозларга уларнинг эҳтиёжларига жавоб берадиган ишончли синов ва калибрлаш хизматларини топиш учун лабораторияларни аккредитациядан ўтказиш, уларни халқаро миқёсда расмий тан олинишини таъминлайди.

Лабораториянинг ISO/IEC 17025 Стандарт талаблари бўйича аккредитациядан ўтишининг афзалликлари:

- **обрў-эътибор**— аккредитация органлари ва лабораториялари томонидан берилган тадқиқот натижалари, сертификатлар, калибровка ҳақидаги гувоҳномалар ва бошқа ҳужжатлар ҳамма жабҳада тан олинади;

- **мижозларнинг ишончи**— аккредитация лаборатория мижозлар талабини қондира оладиган объектив далил, шунингдек, миллий ва халқаро бозорларда хизмат кўрсатувчи провайдерларни танлашда муҳим далил бўлиб хизмат қилади;

- **тадқиқот натижаларининг аниқ ва ишончлилиги**— агар лаборатория маълум фаолият соҳаси бўйича аккредитацияга эга бўлса, унинг тадқиқотлари аниқ ва ишончли эканлигидан далолат беради;

- **қарорларни қабул қилиш бўйича тадқиқотлар-аккредитациядан ўтган ташкилотлар қарорлар қабул қилиш мумкин бўлган ишончли маълумотларни тақдим этадилар;**

- **бозор иқтисодиётида мустаҳкам ўринга эга бўлиш**— аккредитация Европа, АҚШ, Канада, Япония ва бошқа давлатлар экспорт бозорига йўл очиши мумкин;

- **ходимлар фаолият сифатининг яхшиланиши**— аккредитация органи томонидан мунтазам текширишларни ўтказиш ҳисобига ходимлар ваколатчилигини ва малакасини ошириб борилиши;

- Европа Иттифоқи норматив талабларига мувофиқ бўлиши;

- Европа Иттифокдан ёрдамчи манбалар (субсидиялар, кредитлар) олиш имкониятини оширади.

Бугунги кунда дунё бўйича 23 386 та ISO халқаро стандартлари деярли барча технология жабҳалари ва ишлаб чиқариш соҳаларини қамраб олган. Дунё бўйлаб 165 та мамлакат ISO халқаро ташкилотига аъзо ҳисобланади. 792 та техник қўмита ва қўмита ости ташкилотлари стандартлар ишлаб чиқариш билан шуғулланади. ISO халқаро ташкилотининг биринчи стандарти дастлаб 1951 йилда ишлаб чиқилган ва унда ишлаб чиқаришда узунлик ўлчови учун стандарт эталонлар кўрсатилган. Лаборатория аккредитациясининг ягона тартиби аккредитация стандартлари билан белгиланади. Аксарият аккредитация тизимларида халқаро стандартлар қўлланилади. Бу иқтисодий фаолият иштирокчилари ва турли тизимлар ўртасидаги аккредитация натижаларининг тан олинишини осонлаштиради. Бундан ташқари,

лаборатория аккредитацияси учун миллий стандартлар ёки саноат стандартлари қўлланилиши мумкин. Тадқиқот лабораториялари учун мўлжалланган стандарт *ISO/IEC 17025* стандарти бўлиб, унда “Калибрлаш ва тадқиқот лабораториялари ваколатлилигига қўйиладиган умумий талаблар” кўрсатилган. *ISO/IEC 17025* стандарти — синов ва калибрлаш лабораторияларининг сифат менеджмент стандарти бўлиб ҳисобланади. Стандартнинг инглиз тилидаги кўриниши дастлаб 1999 йилда қабул қилинган. Синов ва калибрлаш лабораториялари техник ваколатланган ва техник жиҳатдан асосли натижаларни олишга қодир эканлигини кўрсатишни истаса, Стандарт бунинг учун бажарилиши керак бўлган бир қатор талабларни белгилайди. Мазкур стандартнинг қўлланилиши лабораториялар ва бошқа ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорликнинг ўрнатилишига, хусусан, тадқиқот натижалари ва калибрлаш ишларининг турли мамлакатлар томонидан тан олинисига олиб келади. Лаборатория фаолиятининг *ISO/IEC 17025* стандарти талабларига мувофиқлиги унинг аккредитациядан ўтишига имкон беради. Аккредитация (лот. *accredo*, “ишониш”) — объект (марказ ёки лаборатория) фаолиятининг стандартнинг белгиланган кўрсаткич, мезон ва талабларига мос келишини расман тасдиқланиш жараёни ҳисобланади. Аккредитация буюртмачиларнинг лаборатория бажариши мумкин бўлган тадқиқотларнинг сифати ва ваколатлилигига бўлган ишончини таъминлаш механизмларидан бири бўлиб ҳисобланади. Аккредитация лабораториянинг тадқиқот, ўлчов ва текшириш соҳаларида буюртмачилар талабини бажарилишини ҳамда маълум турдаги тадқиқотлар ва ўлчовларни ўтказишдаги техник ваколатлилигини расмий тан олинисини билдиради. Аккредитациянинг асосий мақсади — тадқиқотлар, тестлар ва ўлчов натижаларини ягоналигини таъминланиши ва тан олинисини билан боғлиқ. Аккредитацияга эга бўлиш тадқиқот натижаларини аниқ ва ишончли эканлигини таъминлайди.

Миллий аккредитация тизимининг янги даври

Давлатимиз раҳбари томонидан белгиланган вазифага кўра, ҳозирги кунда мавжуд миллий стандартларда халқаро стандартлар талаблари қай даражада акс этганлигини текшириб чиқяпмиз. 2023 йилнинг сўнгига қадар республикадаги барча стандартлар халқаро стандартларга ўтказилиши ёхуд уйғунлаштирилиши лозим. Бу ўринда, нима учун, масалан, Европа стандартларига буткул ўтиб қўя қолмаймиз, деган савол туғилиши табиий. Гап шундаки, айрим ўринларда биз мамлакатимиз ҳамда маҳаллий ишлаб чиқариш манфаатларини кўримоғимиз, уларни сақламоғимиз лозим. Ўзбекистон айрим ҳолатларда дунё миқёсида ўз маҳаллий саноатини қўллаб-қувватлаши учун халқаро стандартлардан кўра, миллий стандартлар – “ўзбек бренди”ни илгари сурмоғи манфаатли кўрилади. Сабаби, бизда, масалан, полиз экинларини етиштириш, атлас ва адрас матоларини ишлаб чиқариш каби хорижий давлатларда кам учрайдиган соҳаларимиз бор. Сўнгги уч йил ичида давлат раҳбари ташаббуси билан Миллий аккредитация тизими ўз фаолиятининг янги даврини бошлади. Мувофиқликни баҳолаш органлари компетентлигига алоқадор барча давлат стандартлари бекор қилинди. Биз буткул халқаро стандартларга ўтдик ва барча мувофиқликни баҳолаш органлари шу стандартлар асосида аккредитациядан ўтказила бошланди. Албатта, мувофиқликни баҳолаш органларини халқаро стандартларга ўтказиш баҳс-мунозарани, аккредитациядан ўтаётган томоннинг, ҳатто, норозилигини ҳам келтириб чиқариши мумкин. Аммо шуни англаш лозимки, халқаро стандартларни аккредитация жараёнига жорий қилмасак, ўзбек маҳсулотлари хорижий бозорларга киришда техник тўсиқларга учраши мумкин.

Хулоса

Аккредитациясиз биз ички ва ташқи бозор истеъмолчиларининг ишончини, синов натижаларимизнинг хорижда тан олинисини таъминлай олмаймиз. Агар Миллий

аккредитация тизими умумқабул қилинган халқаро стандартлар асосида фаолият юритса, хорижий ҳамкорларимиз мувофиқликни баҳолаш жараёни халқаро стандартлар ва меъёрлар асосида ўтказилганлигига яқдил ишонадилар. Шунингдек, Аккредитация тадқиқотларни халқаро стандартлар даражасида бажариш имконини беради, бу эса олинган натижаларни барча иштирокчилар томонидан тан олиншини таъминлайди. Халқаро стандартлар ташкилоти ҳамда Халқаро электротехник комиссия мувофиқликни баҳолаш органларини аккредитациядан ўтказувчи ташкилотларга алоқадор стандартларни ишлаб чиқишган. Унда аккредитация органи қандай фаолият юритмоғи лозим, нималарга эътибор қаратиши керак, аккредитация қандай амалга оширилади ва бу жараёнда қандай талаблар қўйилмоғи керак, ходимлар компетентлиги қандай каби регламент талаблари бор. Аслида, ҳар бир давлатнинг аккредитация органи мана шу стандартларга кўра ўз фаолиятини олиб боришдан манфаатдор.

Адабиётлар.

1. ГОСТ ИСО/МЭК 17025-2009 Общие требования к компетентности испытательных и калибровочных лабораторий. – М.: Стандартиформ, 2012. – 28с.
2. Федеральный закон от 28.12.2013 N 412-ФЗ (ред. от 29.07.2018) Об аккредитации в национальной системе аккредитации. – М.: Кремль, 2013. – 43с.
3. Приказ Минэкономразвития от 30 мая 2014 г. № 326 об утверждении критериев аккредитации, перечня документов, подтверждающих соответствие заявителя, аккредитованного лица критериям аккредитации, и перечня документов в области стандартизации, соблюдение требований которых заявителями, аккредитованными лицами обеспечивает их соответствие критериям аккредитации. – М.: Минюст, 2014. – 75с.
5. ГОСТ ISO/IEC 17025-2019 Общие требования к компетентности испытательных и калибровочных лабораторий. – М.: Стандартиформ, 2019. – 25 с. 6. Приказ ФСА от 09.09.19 №144 «Об утверждении плана перехода участников национальной системы аккредитации на применение международного стандарта ISO/IEC 17025:2017 «Общие требования к компетентности испытательных и калибровочных лабораторий»
6. Мамаджонов А., Кулдашев Ж. EVALUATION OF COMPLIANCE OF PRODUCTS AND SERVICES.-- журнал ARES 2021 год 9/2 .
- 7 Мамаджанов А.А., Кулдашев Ж.У. Анализ испытательной лаборатории и переход на новую версию гост iso/iec 17025-2019 «Роль науки и образования в модернизации предприятий нефтегазовой отрасли» 3 ноября 2021 года (Материалы республиканской научно-технической конференции)/

ҚУРИЛИШ МАҲСУЛОТЛАРИНИ СЕРТИФИКАТЛАШТИРИШ

Рахмонов Фурқат Абдухакимович

Жиззах политехника институти катта ўқитувчиси

***Аннотация:** Одатда сертификатлаштирилаётган маҳсулотга меърий хужжатларда тавсифлар (кўрсаткичлар) рўйхати, мажбурий сертификатлаштиришда турган текишириш, сертификатлаштириш синовини ўтказиш тартиби ва ҳажми, ҳамда зарурият бўлганда гигиеник, ветеринария, фитосанитария ёки экологик талаблардан таркиб топган бўлади.*

***Аннотация:** Обычно сертифицируемый товар содержит перечень технических условий (показателей) в нормативных документах, обязательный сертификационный*

ПРИМЕНЕНИЕ ТЕХНИЧЕСКИХ РЕГЛАМЕНТОВ ПРИ ОПРЕДЕЛЕНИИ ПОКАЗАТЕЛЕЙ БЕЗОПАСНОСТИ ПРОДУКЦИИ

Хакимов О.Ш., Хамидов Ж.А., Эрназарова З.Х., Точностная характеристика обеспечения качества и безопасности химических и пищевых продуктов.....	83
Ходжаев С.А. Развитие национальной системы нормативных документов в строительстве.....	85
Мадиханова Н.С., Сотволдиева Н.С. Требования безопасности для детской одежды.....	91
Абдусаломова Н.С., Усманова Х.А. Озиқ-овқат саноати сифати ва хавфсизлигини бошқариш тизими.....	94
Фаттоев Ф.Ф., Мирпайзиева Г.М. Восприятие качества потребителем при выборе мучных кондитерских изделий.....	97
Усманова Х.А., Эрназарова З.Х. Роль и значение качества продукции в условиях рыночной экономики.....	100
Кадирова Ш.А., Абдуқодиров Ж.А., Хусанов Н.М., Озиқ-овқат саноати сифати ва хавфсизлигини таъминлашда интеграциялашган бошқарув тизимини жорий этиш.....	103
Загидуллина К.Р. Техническое регулирование в современных условиях.....	106

ЦИФРОВИЗАЦИЯ СТАНДАРТИЗАЦИИ И ТЕХНИЧЕСКОЕ РЕГУЛИРОВАНИЕ В ОБЛАСТИ ОЦЕНКИ СООТВЕТСТВИЯ

Мамаджанов А.А., Кулдашев Ж.У. ISO/IEC 17025 халқаро стандарти талабларининг бўйича аккредитация лаштириш жорий этилиши. Аккредитация жараёни ва афзалликлари.....	110
Рахмонов Ф.А. Қурилиш маҳсулотларини сертификатлаштириш.....	115
Муминов Н.Ш., Абдурайимов А.Р., Хамидов Ж.А. Законодательные и технические аспекты стандартизации в условиях реформы технического регулирования.....	119
Кенжаева З.С., Шеина Н. Е., Техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасини ривожлантириш ва ўзбекистон республикасида қилинаётган рақамлаштириш ишлари.....	125
Рахматуллаев С.А., Ахмедова М.А., Ишлаб чиқариш корхоналарида маҳсулот сифатини бошқаришда статистик назорат усуллари таҳлили.....	127
Абдувалиев А.А. Гармонизация национальных норм проектирования к международным требованиям.....	132
Matyakubova P.M., Ismatullayev P.R., Shamuratov J.U. Texnik reglament-korxonada innovatsiyalarni qo'llash vositasi sifatida.....	140

МЕТРОЛОГИЧЕСКОЕ ОБЕСПЕЧЕНИЕ ПРОИЗВОДСТВЕННЫХ ПРОЦЕССОВ

Юсупбеков Н.Р., Гулямов Ш.М., Ортиков Э.Э. Классификация струйных расходомеров жидких и газообразных сред.....	143
--	-----